



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келяжаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 8 май № 97 (3372) Шанба



## Аждодлар ёди

Ўтганларни ёд олиш, эслаш, эъзозлаш улғ савоб иш. Аждодларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни келажак авлодга етказиш, улар онига синдириши эса унданда савоб. Зеро, хотира ва қадрлаш деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизнинг чирогини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришини, ҳаёт бўлганларни эъзозлаб, ҳурматини эътиборга қўйишни тушунашимиз.

**СУРАТДА:** Тошкент давлат техника университети доценти Турғун Исҳоқов ёшларга бутунги нурафшон кунларни инъом этган юртдошларимиз ҳақида ҳикоя қилмоқда. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
**ФАРМОНИ**  
**Т.И.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлаш тўғрисида**  
Турбонжон Икромович Жўраев Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлансин.  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2004 йил 7 май.

**Олий Мажлисида**  
Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси аъзоларининг иборат депутатлар ишчи гуруҳи яқинда Самарқандда бўлиб, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг вилоятдаги ижросини ўрганишда. Кеча қўмитанинг ушбу ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

## Матбуот ва ҳаёт

Маълум бўлишича, ҳозир Самарқанд вилоятида 44 та газета, 8 та журнал чоп этилмоқда. Шундан 19 таси вилоят ва туман ҳокимликлари муассислигида чиқарилган бўлиб, қолганлари нодавлат, тармоқ ва хусусий нашрлардир. Ўзбек, рус ҳамда тожик тилларида босилаётган "Зарафшон", "Самарқандский вестник", "Овози тожик" газеталарида бугунги куннинг энг муҳим янгиликлари ўз ифодасини топтомоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган, шунингдек, танқидий-таҳлилий руҳдаги чиқишлар бўлиши мумкин. Самарқанд телерадиоканали (СТР) ҳамда "Самарқанд-СТВ" нодавлат телеканали кўрсатувлари эфирга узлуқсиз узатишмоқда. Айниқса, турли соҳа раҳбарлари билан бевосита мулоқотлар уюштириш яхши йўлга қўйилган.  
Депутатлар ишчи гуруҳи бундан уч йилча муқаддам вилоятда бўлиши Самарқанд телерадиоканалининг студияси биноси давр талабига жавоб бермай қолганини таъкидлаганди. Эндиликда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича катта ишлар қилинган кўза ташланади. Студия биноси тўлиқ таъмирланган. Хориждан энг замонавий тележиздиҳорлар келтирилган. Уларни ўрнатилишига етган, кўрсатувлар маъмурияти ва савияси янада яхшиланди.  
Бироқ вилоятдаги барча

## Қўшма комиссия йиғилиши

Саудия Арабистони подшоҳлиги катта иқтисодий ва молиявий салоҳиятга эга бўлиб, араб дунёси ва мусулмон оламида етакчи ўринлардан бирини эгаллаётди.  
Жорий йилнинг 4-5 май кунлари ушбу мамлакат пойтахти Эр-Риядда Ўзбекистон — Саудия Арабистони ҳукуматлари қўшма комиссиясининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.  
Комиссиянинг Ўзбекистон томонидан ҳамраиси, республика Бош вазири ўринбосари Мирабгор Усмонов ўз нутқида мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволига тўхталиб, у ҳар икки давлат имкониятларига жавоб бермаётганини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг Ўзбекистонда хорижий сармоядорларга яратилган имкониятлар тўғрисида батафсил маълумот берди.  
Саудия Арабистони томонидан ҳамраиси, мамлакат савдо ва саноат вазири Хошим бин Абдулла Яманий ўз нутқида мунозаралар олиб боради. Йиғилиш якунида комиссия ҳамраислари Х. Яманий ва М. Усмонов томонидан протокол имзоланди.  
Йиғилиш доирасида Ўзбекистон делегациясининг Ислам Тарқиқат Банки (ИТБ) президенти Аҳмад Муҳаммад Али билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондаги турли иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларга ИТБ молиявий имкониятларидан фойдаланиши, Термиз-Хайратон-Мозори-Шариф темир йўл шохчасининг барпо этиш ҳамда Эрондаги Чоҳбаҳор ёки Бандар-Аббос портини Хирот ва Термиз орқали Ўзбекистон билан боғлайдиган трансферон транспорт йўлининг қўриқларида ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди.  
Шунингдек, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда подшоҳлик савдо-саноат палаталари кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Усмонов Саудия Арабистони иқтисод ва ружолаштириш вазири Халид ал-Кусайбий, молия вазири, подшоҳлик тарқиқат банки ҳамраислари раиси Иброҳим ал-Асоф билан учрашувлар ўтказди. Мазкур мулоқотлар чоғида ўзаро сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортиш ва ҳаво қатновлари тўғрисидаги битимлар лойиҳаларини ваколатли ташкилотлар томонидан батафсил ўрганиб чиқишга келишиб олинди.

Ғайрат ШУКУРОВ,  
"Жаҳон" АА.

## ИСТИҚЛОЛНИНГ ЖЎШҚИН КУЙЧИСИ

Мустиқиллик халқимизнинг турли миллий қадриятлари қатори маданиятимиз ва санъатимиз раванқи ҳам янги раҳ бағишлади. Хур ўзбек заминидан миллиятни улғулаш, она юртва муҳаббат ва садоқатни баралла қуйлаш учун кенг йўл очди. Юртимизда миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни, қўшна тарихимизни, дунёни ҳайратга солган улғ мутафаккир ва саркарда аждодларимиз, буюк давлат қўлидаги бөл боғлаган янги давр кишилари — замонамиз қаҳрамонлари, истиқлол ва истиқбол бунёдкорлари сиймоларини теран талқин этувчи, том маънодаги мустиқиллик адабиёти ривожланмоқда.  
Янги шеърятнинг ёрқин вақилларидан бири Муҳаммад Юсуф эди. У ўзининг қисқа ижодий фаолияти давомида халқчиллик руҳи йўрилган, миллий истиқлол гоғялари дадил ва жўшқин оханларда таранум этилган шеърлари ва достонлари билан адабиётимиз раванқида катта ҳисса қўшди.  
Шоирнинг ўнлаб шеърый тўпламлари адабиётимиз ха-

зинасидан муносиб ўрин эгаллади. Китобларининг умумий нухаси миллиондан ортди.  
Муҳаммад Юсуфнинг адабиётимиз ривожига қўшган ана шу ҳиссасини, бетакрор ижоди ва ижтимоий фаолияти билан ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий истиқлол гоғясини халқимиз онги ва тафаккурига синдириш борасидаги катта хизматларини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 12 март куни шоир таваллудининг 50 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.  
Юртимизнинг барча гўшаларида — шаҳар ва қишлоқларда, ўқув муассасалари, харбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда шоир ижодига бағишланган учрашув ва адабий кечалар бўлиб ўтди.  
7 май куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлди.  
Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов шоир ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти ҳақида сўзлади. Муҳаммад Юсуф мустиқиллик йиллари вояга етган, эл ўртасида шухрат толган шоир эканини таъкидлади.  
Шоирнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий эътиборида бўлди. Юртбошимизнинг Фармонларида мувофиқ Муҳаммад Юсуф "Дўстлик" ордени ва Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвани билан тақдирланган эди.  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов Муҳаммад Юсуф ўз ижоди билан халқимизнинг юксак иқтидорли ва севикли шоири сифатида тарихда ўчмас из қолдириши хусусида тўхталиб, Шоир нобилейининг мамлакат миқёсида ўтказилиши давлатимиз раҳбари томонидан ижодкорларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси эканини қайд этди.  
Вазирлар Маҳкамасининг юқорида эслатишга қарори мувофиқ Муҳаммад Юсуфнинг сайланма асарлари

нашр этилди. Шоир замонадошлари хотиралари жамланган тўплам ва қорақалпоқчага ўйрилган шеърлари босмадан чиқди. Шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли видеофильм яратилди. Тошкент шаҳридаги кўчаларда бирига Муҳаммад Юсуф номи берилди.  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсининг истеъодли тингловчилари учун Муҳаммад Юсуф номидаги стипендия таъсис этилди.  
Кечада таниқли шоир, ёзувчи ва олимлар ҳамда санъат намояндалари Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ хотираларини сўзладилар.  
Ижро этилган шоир шеърларида басталанган қўшиқлар таъкидлаганимизнинг жўшқин ва толмас куйчиси халқимиз қалбида абадий барҳаёт эҳкамлигини яна бир бор тасдиқлади.  
Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизжўраев иштирок этди.  
(Ў.А.)

## Ёшлар тарбияси — муҳим вазифа

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳар қандай таъовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, унинг мафкуравий заминини йўқотиш, аввало, ёшларимизнинг қалбини, онги ҳамда соғлом тафаккури учун қуралиши ҳозирги куннинг долзарб вазифаси эканини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.  
Хўш, бу вазифани бажариш учун нима ишлар қилиш керак?  
Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг бўлиб ўтган "Ёшларнинг истиқлол руҳида тарбиялаш — Ватан тинчлиги ва хавфсизлигини мустиқамлашнинг муҳим омилли" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда шу саволга ечим изланди, амалга ошириладиган ишлар режаси келишиб олинди.  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қ. Аъзамов, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси А. Гадоий-

боев, Тошкент шаҳар бош имом хатиби А. Турсунов ва бошқаларнинг чиқишлари ҳам тингланди.  
Анжуманда бу муҳим вазифани амалга ошириш учун ёшлар билан ўтказиладиган тарбиявий ишларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, қўқур ўйланган тизим асосида, илгор педагогик тажрибаларга таянган ҳолда ташкил этиш лозимлиги таъкидланди. Тарбият-ташвиқот ишларида расмиётчиликка, тадбирчиликка чек қўйиш лозим. Баландларов, жимжамдор сўзлар, сийқа маърузалар ҳар қандай гоғяни обрўсулантиради. Ёшлар тарбиясининг муҳим воситаларидан бири, уларнинг онги ва қалбида, турмуш тарзида ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос — миллий урф-одатлар ва аъёнлар моҳиятини ҳурдатди боришди.  
Илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Абдувоҳидов иштирок этди.  
Ўз мухбиримиз.

## Конфессиялар ишлари кенгаши таъсис этилди

Маълумки, Ўзбекистон — кўп миллилатли ва кўп динли республика. Мамлакатда фуқаролар товулиги ва тинчлигини сақлашда ҳар бир миллият ва ҳар бир дин вақилининг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши ўта муҳимдир. Шунингдек, ҳар бир ҳолда мамлакатимизнинг амалдаги қўқуқчилиги фуқаролар эркинликларининг кафолатлади.  
Кўни кенч ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўқуқчи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарор ва унга мувофиқ қўқуқчи ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган Конфессиялар ишлари кенгаши тузилиши бу йўлда амалга оширилган наватдаги қадамдир.  
Дин ишлари бўйича қўқуқчи таъсис мажлисига йиғилган Конфессиялар ишлари кенгаши аъзолари буни бир овоздан эътибор эдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Хусниддин Кенгаш раиси сифатида таъсис оқиб экан, Кенгаш ўз диклат-эътиборини диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларини ҳал этиш, миллиятларо ва конфессияларо бағрикенгликни таъминлаш, конфессиялар ишининг янада самарали бўлишига қаратади, деб ахборот берди.  
Таъкидлаш жоизки, Кенгаш республика ҳудудида фаолият оғиратган диний ташкилотларнинг ҳоҳиш-истакларига бинонда юзага келди.  
Йиғилиш катнашчилари Кенгаш Низомини лойиҳаси, унинг жорий йил учун иш режасини муҳокама қилиб, улар юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар. Шунингдек,

Кенгаш қотибияти таркиби, мажлислар ўтказиш тартиби қабил Кенгаш фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.  
Диний ташкилотларнинг ҳаёти ва фаолиятини турли ва ҳар томонлама ёрқитиб бериш мақсадида умумий нашр ташкил этиш тўғрисидаги тақдидан келиб чиқиб, Дин ишлари бўйича қўқуқчи томондан чоп этилган "Ахборот бюллетенини" "Конфессияларо ахборотнома"га айлантиришга қарор қилинди.  
Мажлиш иштирокчилари ҳеч қайси самовий дин инсонни қон тўқичига буюрмаглигини, кўп миллиятли Ўзбекистон халқи энг оғир йилларда ҳам ўзаро ҳурмат тўғрисида сақлаб келганлигини қўқуқчи билан эътибор этиб, барча диндорларини тинчлик, ўзаро ҳамжихатлик, оқибат ва ватанпарварликка даъват этишда давом этажакларини билдирдилар.

**Россия Федерацияси Мудофаа вазири С. Ивановнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи тўғрисида**  
Ўзбекистон Мудофаа вазирининг тақлифи бинонда шу йилнинг 11-12 май кунлари Россия Федерацияси Мудофаа вазири С. Ивановнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф чоғида икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш қўқуқчи тўқуқчи.  
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг матбуот хизмати

## Машинасоз акционерлар ҳисоботи

Кеча "Ўзқиллоқжўқалик-холдинг" компанияси акциядорларининг наватдаги умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда компания таъсисчилари — аграр соҳага хизмат қилувчи вазирик, уюшма, йирик молиявий муассасалар, Американинг қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришга иқтисослашган машҳур "Кейс-Нью Холланд" корпорацияси вақиллари, акционерлар, тизимдаги қорхоналарининг раҳбарлари иштирок этди.  
Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун турли хил техника воситалари ва эҳтиёт қисмлар тайёрлашга ҳамда техник хизмат кўрсатишга иқтисослашган мазкур компаниянинг низоом жамғармаси қарийб 8 миллиард сўми ташкил этди. Тизимда 12 та акциядорлик жамаияти, 7 та қўқуқчи корхонаси, 13 та хизмат кўрсатиш маркази ва 1 та экспорт савдоси ишлари билан шуғуланувчи ташкилот

фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили 2800 та трактор, 815 та тележка, 1028 та қўқуқчи ва 350 та плуг ишлаб чиқарилиб, бу борада белгиланган режалар ошириб бажарилиди. Шунингдек, хорижга 6,5 миллион АҚШ доллари миқдорда махсулот экспорт қилинди.  
Акционерлар йиғилиши якунида эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, ечимини қўқуқчи муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, кам маблағ сарфлаб, сифатли махсулот ишлаб чиқарадиган, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган техника воситаларини ишлаб чиқариш, уруғликни экишдан тортиб то ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар бўлган жараёнларни механизациялаштириш тизимини яратиш шулар жумласидандир.  
Хосия КАРИМОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

Мухтарам муштарийлар! «Халқ сўзи» ба «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда тахририят Сизнинг маффаатларингизни назарда тутиб янги иштиёқни жорий этди. Иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишига иштиёқингиз!



май — Хотира ва Қадрлаш кунлари

Боғларда яшаётган умр

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги олис, тоғли Нанай қишлоғида бўлганмиш?

табиатнинг санъати, Пастда дарё, тоғ устида қишлоғим.

Туйқаров тоғларнинг бағрида ёнғок, бодом, олма, писта, дўлона, қатронги каби дарахтлар.

Нанайликларда қадимдан яхши бир адет бор. Хар бир оила, ҳовли-жойдан ташқари то бағридан ер очиб, мевазор боғлар яратишни одат қилган.

Университетда ўтадиган катта-кичик тадбирларда у киши билан мулоқотда бўлиш биз талабаларга ҳам кўп бор насиб этган.

Бундан 1200 йил илгари яшаб ўтган Шах Вали Умар бобоимиз шундай деган экан: «Ошатган, яшатган, ризку рўз берган она замин фарзанди бўлганимиз учун ҳам уни яшатишимиз, боғу рўзлар билан буркашимиз керак».

«Бундан 1200 йил илгари яшаб ўтган Шах Вали Умар бобоимиз шундай деган экан: «Ошатган, яшатган, ризку рўз берган она замин фарзанди бўлганимиз учун ҳам уни яшатишимиз, боғу рўзлар билан буркашимиз керак».

«Қишлоқнинг сой тепалигидаги Зодак деган жойда кўзи қамширдиган мевазор боғ янаб турибди. Уни Холмат Раимбердиев яратган экан.

Чор атрофи тоғлар билан ўралган дарё тепалигида Юсуф бобонинг антика боғи жойлашган. Ёнғок, бодом, олма, узум қишлоққа кираверишдаги боғлар мулла Мавро бобокини. Тоғ чўққиси — «Кораник» бағридаги мевазор боғ Холмат бободан ёдгорлик. Хуллас, уруш ногирони Абдурахим Солиев, ёши 80 дан ошиб қолган Сафар ота Халилов, бир неча йиллар қишлоқ кенгаши раиси ва жамоа ҳўжалиги-га раҳбарлик қилган Толиб Назаров яратиб кетган боғлар бугун шигил мевага кирган. Динаб, Қубудбулар, Оромзода каби қадимий бу эрлар олмазор, ўрикзор, ёнғокзорга айланган. Жамоа ҳўжалиги Толиб Назаров номи билан аталади.

Бугун Хотира ва Қадрлаш кунлари Нанайда ҳалол меҳнати билан она заминини яшатишга, ўзининг ўчмас ном қолдирган оқиродаги ажойиб кишилар номларини хурмат билан эслашимиз.

Агар Нанайга борган бўлсангиз, дарё бўйидан тоғ чўққисига қадар янаб турган мевазор ўрмон, яъни Наволисойга дуч келасиз. Поёни кўринмайдиган бу сойда инсон қўли билан дунёдаги мевали дарахтларнинг барчаси янаб турибди. Пастда дарё шарқираб оқди, дарахтларнинг шифобахш нафаси ҳар ёни таралди.

Олий ҳиммат кишиларнинг меҳру садоқати тўғрисида замин тобора янаб бораверади.

Рўзимат ДАМИНОВ.

Хотира Чироғи ўчмагай, Фахрийлар ҳамisha эъзозда

Дарахт илдизидан баҳра олиб яшаганидай, инсон ўз хотиралари манбада ривожланади. Бусиз мумкин эмас. Хотирадан айрилган Инсон ва Халқ — ривожланишдан ҳам тўхтайдими. Чунинчи, хотирамизда мавжуд тарихий билим — биз, инсон зоти ни қачон ва қандай бошланганимизни, қандай шаклланишимизни ўзимизга доимо эслатиб туради ва бундан кейин қай йўлдан юришимизга ибрат чироғи бўлиб порлайди.

Шу боис, инсон ўз хотира бойликларини қадрлайди. Хотирлаш ва қадрлаш, шу боис, бизнинг мамлакатимизда давлат миқёсида рағбат топмоқда. Ота-боболар руҳи, таълимоти, ўғитлари эъзозланмоқда. Миллий урф-одатлар, байрамлар қадр топмоқда. Жамиятда келса авлод кишиларига ҳар тарафлама гамҳўрлик кўрсатишмоқда. Ўзбекистон — ўз тарихий-маънавий илдизларидан бундан кейин ҳам баҳра олиб, азим чинордай кўкка бўй чўзаверади, тобора куч-қуратга тўлаверади. Бу илдизлар ҳеч қачон сўлиш ва сўниш билмасин, илоҳим!

Юртимизда бу йил ҳам 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунлари умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин БОҚИБОВ ЎзА муҳбирига қўйидагиларни сўзлаб берди:

— Истиклолимиз ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун курашга муносиб ҳисса қўшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамisha халқимиз эъзозидида. Инсон — муқаддас, хотира — абдийдир. Ўзбекистонимиз мустақиллигини кўлга киритганидан кейин бу борада кўпгина хайри ишлар амалга оширилди.

Юртимизда ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунлари, деб эълон қилинди. Тошкент шаҳрида барпо этилган Хотира мажмуи, мотамсаро Онанинг қад ростлаган улғувор хайкали бугунги кунда кўтулғу зиёратгоҳга айланди. Бундай Хотира майдонларининг бошқа шаҳарларда ҳам бунд этилгани қувончлидир.

Нуронийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш Президентимиз Ислам

Каримовнинг доимий эътиборинда. Вазиirlар Маҳкамасининг "2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни қўлайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори бунинг яққол далилидир.

Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча ишларда фахрийларимизнинг ўзлари фаол иштирок этишмоқда. Жамғармамизнинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари фаоллари жойлардаги мавжуд ёдгорликларни, зиёратгоҳ ва қабристонларни тартибга келтиришга бош-қош бўлаётган.

"Меҳр ва мурувват йили" дастурида кўзда тутилган вазираларнинг баҳарлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги уруш ва меҳнат фахрийларининг «Нуроний» шифохонасига, Сирдарё вилоятидаги «Саховат уйи»га ҳамда Жиззах вилоятидаги Қариялар пансионатига бепул дори-дармонлар етказиб берилди.

ЎзА муҳбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ ёзиб олди.

Ҳазилатда беназир устоз

мизнинг ўзлари бош-қош бўларди.

— Домла Саъди Сирожиiddонинг адабиётни, хусусан, миллий адабиётимизни жуда қадрларди, — деб эслайдиган шунда Муҳаммад Раҳмон. — 1967 йили Тошкент давлат университетининг эски биносига Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллиги нишонланганди. Тантанга довланинг шаҳсан ўзлари етакчилик қилгани ёдима. Холбуки, ўшанда замона калтис, "тили аччиқ" ёзувчига муносабат ҳам ўзгача эди.

Олимнинг ташаббуси билан илм даргоҳида нафақат республикамиз, балки халқро микёсдаги тадбирлар ҳам тез-тез бўлиб турар эди. Хусусан, ЮНЕСКО қарори билан 1983 йилда Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган симпозиум, 1987 йили Яқоб Бернуллий номидаги «Экзимоллар назарияси ва математик статистика» бўйича биринчи Умумжаҳон конгресси бевосита унинг ташкилотчилиги тўғрисида Ўзбекистонда ўтказилган эди. Бундай нуфузли илмий анжуманлар мамлакатимиз обрўсига обрў қўшгани эри эмас.

У тиниб-тинчмас, чарчаси нималигини билмасди. Талабалар ётқонхоналарини ўз кўзи билан кўриб, бирма-бир айланиб чиқар, хатто пахта терими лойида аҳолимиздан хабар олиб турар, савимий мулоқотда бўларди.

Раҳбар сифатида кимгадир қаттиқ гапириб, жуда-бехуда танбех берганини эслай олмаيمиз. "Э, хали шунчаки" деб, мийиғида кулб қўйса, шунинг ўзи кифоя эди.

Саксонини йилларнинг ўрталарида Афғонистонда ҳарбий хизматда бўлиб қайтган аскарларга олий ўқув юртига киришда бир

қатор имтиёзлар берилганди. Хусусан, улар барча кириш имтихонларини "қоникарли" топширса, мандатдан ташқари қабул қилинарди. Бирок кириш имтихонидан "йикилган" баъзи абитуриентлар ректор қабулига киришга қарор қилишган. Домла етти-саккиз чогли "афғон" йигитларини яқши қабул қилиб, ҳар қайсига бир пилладан чой узатиб: "Болаларим, сизлар ношуд сиёсатнинг айби билан жабр кургансизлар. Аммо кириш имтихонидан ўтолмаган абитуриентга ижобий баҳо қўйиб

та уэр сўрашибди. Шунда домла: "Ҳечқиси йўқ, кемага тушганимиз жони бир", — деб қўйибди камтарона жимлайиб.

1985 йили университетнинг журналистика факультети кундузги бўлимида тахсил олаётган кезларимда фарзандли бўлдим. Рўзгорнинг залворли юки елкамда. Талабалик стипендияси ва турмуш ўртоғимнинг аспирантурадан олаётган пули оила тебратишга етмас эди. Ўқимини кечки ёки сиртки бўлимига айлантиришга ҳаракат қилдим. Роса елиб-юғурдим, натижа чиқмади. Журналистика факультетининг ўша пайтадаги кечки ва сиртки бўлимлар бўйича декан муовини аввалга очикдан-очик қаршилик кўрсатди. Кейин вақт ўтган, "аризанг йўқолиб қолди, келаси йил яна ариза билан муурожаат қилсан, ўйлаб кўрамиз", деб баҳона қилди.

Шу воқеа сабаб бўлиб, ректоримиз С. Сирожиiddон қабулига ариза кўтариб кирдим. Домла сўзимни эътибор билан тинглаб, аризамнинг бир чети: "Проректорга! Қўриб чиқиб, ижобий ҳал қилинг!" деб ёзиб, имзо қўйиб берди. Бирок орадан бир ой ўтди ҳамки буйруқдан даррақ йўқ. Афсуски, бу аризам ҳам факультетда турли сабабларга кўра "йўқолиб" қолди.

Ноилжана ректорнинг қабулига кирдиган бўлдим. Домла мени таниб: "Ха, ишинг ҳал бўлмади, ўлим! Ҳозир ижобий ҳал қиламиз, сенга ҳам осон эмас, ола-хуржун бўйинингга тушгандан кейин ишлаб ўқишга қаршилик бўлмаслиги керак, албатта", деди.

Сўнг домла аризамга яна бошқатдан имзо қўйиб, уни менга бермай, тўғри проректорга: "Тўвоҳлар иштирокида бераёлман, энди йўқолиб қолмас", дея узатди. Шу воқеадан сўнг кечки бўлимига ўтишни тўғрисидаги буйруқ тезда тайёр бўлди.

Тасаввур қилинг, ўша вақтлар бундай нуфузли даргоҳда уч мингдан ортиқ профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатар, 20 мингдан зиёд талаба ва аспирантлар тахсил оларди. Қар бир талаба ва ўқитувчининг ўзига яраша ташвиши-ю, муаммоларини йўқ эмасди. Уларнинг ҳар қайсиси билан дардлаштириш, муаммосини ечишда ёрдам бериш учун гоғдат куюнчак, бағрикенг инсон бўлиш керак. Ахир, бундай соф-саноксиз юмушларни бартараф этишининг ўзи бўлмайди, албатта. Беназир олим ва меҳрибон устоз Саъди Сирожиiddон ана шундай етук раҳбар ва хушғўй инсон эди.

Яқши инсондан эзгу ном, ёрқин хотиралар қоларкан. Уни ҳамisha ширин бир энтиқши билан эслашининг ўзи ҳам ажиб саодат эмасми?!

Азамат СУЙОНОВ, журналист.

Кундуз қуёш, оқшомлари ой

Публицистика

справкани икки юз сўмга сотади. Нима, девордаги ёзув унинг бўзига тош бўлиб ёки пеллоносига мушт бўлиб тегаётми?..» Пича ўзига келган йигит ёзувга ҳар замон, ҳар замонда фурурланиб қараб қўярди.

... Боввут туманида атиги саксон нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳаёт экан. Ун мингдан ортиқроқ аҳоли истиқомат қиладиган бизнинг қишлоқда атиги уч нафар фахрий қолибди, холос. Ҳу йил муқаддам уларнинг сони 42 нафар эди.

Май ойи шу қадар тотлики одамнинг яшагандан яшагиси келади. Жийда гуллади. Унинг ифори оламни тутиб кетди. Қўқонилосларга чумчуқларга қўшилиб болалар ёпишмоқда. Ут-ўланнинг хиди димокни ёради. Еввойи яллиларнинг бўйи кишини сархуш қилади. Қулунининг нархи эса кун сайин ту-

шиб бораёпти. Бедага биринчи ўроқ тушди. Боғлардаги дарахтларда тонг отмасдан булбуллар хоним қилиб, сахархез одамларнинг кўнглини сел қилиб юборапти. Қизариб-қизариб анор гуллади. Атиргуллар қулишга шайланиб турибди. Қўшнинг боғига болалар довулча ўғирлашга тушмоқда. Қирларни қизгалдоқлар ёндирди юборди. Дала ва тўрқоқлардаги беданалар сайроғига қулуклар тўлиб кетди.

Олтмиш йил аввал бир кун ҳам қуёш чиқмаганди. Оқшомлари бирон маротаба ҳам ой осмонда сайр қилмаганди. Одамлар қуёшни ҳам, ойни ҳам унутиб юборишганди. Улар учун дунё қоронғу эди. Бу одам хассасга таяниб юради. Бу одамнинг ўнг обғи сониди осколка бор. Бу одам умрида бирон маротаба «Менга эътибор қилинглар,

Файзиев урушга бормаган. Уруш йиллари ўспирин бўлган бу одам далада қўш хайдаган. Трактор минган. Тўрт йил давомида унинг уйи ҳам, ётоғи ҳам дала бўлган. Фронтга жўнатилган кийим-кечаклар, ўқ-дорилар, галларда унинг ҳам улуғи бор. Бу одамнинг кўзи эндиликда ўн қадам наридаги нарсаларни акрарата олмайдди. Қадамлари ҳам ёш боланиқидан унчалик фарқ қилмайдди. Уруш туғатганда у эндигина ўн етти ёшга кирган эди. Яқинда ўйимизга ана шу киши кириб келди.

— Уйим ёниб кетганидан хабаринг бор. Қўни-қўшниллар қўлларида келганча у-бу нарсалар ёрдан қилишди. Тунов кўни Дадабоевнинг олдига бордим. Ташвишимни эшитмаган экан. Кечқурун ўз минг сўм пул олиб келди. Эртаси кун эса беш машина кум ва шағал тушириб берди. Ичимда шундай хурсанд бўлдимки, сира нарғи йўқ. Мисоли уйим қайта қурилиб қолгандай

бўлди... Юсуф бобо гапирайтибди-ю юзлари билан кўзлари қўшилиб қулади. Унинг кайфияти менга ҳам юқди. Қаранг, бироз кўмак, уч оғиз олиқ гап ва эътибор бу кекса отаонинг юрагини шунчалар қувонтириб юборибди. Бу одам ичидидаги хурсандчилигини мен билан баҳам кўришга келганди. Хайрлашиб кетаётганда ҳам юзларидан табассум ўчмаганди.

Бу дунёда мен-менлар ҳам етарли. Қалтабинлар ҳам учрайди. Кичкинагина амалини пеш қилишга ишқибозлар ҳам рубарунгиздан фўддайиб чиқиб туради. Икки йил муқаддам галати бир воқеанинг шохиди бўлгандим. Чека бир қишлоқда бир неча киши жижиллашиб қолганди. Бахсининг сабабини сурштирсак, қишлоқ фуқаролар йиғинининг қотиби бир уйнинг кўча томонида осиб қўйилган лавҳани зўравонлик билан олиб ташламоқчи бўлибди. Сабаби ярим йил муқаддам мана шу


Одам боласи, истайдимиз-истамайдимиз, ёмон кунларни тез унутишга юборади. Унда унуттишга, хотиралар ичидан фақат энг ёрқинларини танлаб олишга мойиллик бор.

...Мана бундай бўларди. Мактаб ҳовлиси. Қизгалдоқ офтоб пешонамизни, юз-кўзимизни обдон қўздирарди. Саф тортиб турган юзлаб ўқувчилар галмагал гапирётган чолларнинг ҳикояларига қулоқ тутамиз. Кун қизгандан қизийди. Давра сукутатини чолларнинг овозиго гул илжинида у ёқдан бу ёққа зир уяётган асаларларининг гўнгиллашигига бузади. Биз болалар, урушини кўрмаган бўлсак-да, бундай маросимлар чоғида кўз ўнгимизда ёнаётган танклар, ўқ еб жонган ботқоқликлар, қарагайзор ўрмонлар, ярмигача сув тўла хандақлар гавдаланарди.

Бундай учрашувларда Нурбой бобо бирон маротаба ёлчатиб гапиролмасди. У йилларди. Икки-уч оғиз сўз айтарибди унинг йиғинини томоша қилиб турардик. Уқитувчилар ҳам не қиларларини билмай қолни кузатишарди. У рўмолчаси билан кўзларидан қўйилб келаётган ёшларни арта-арта жим турар, ноқулай бир вазиятни бузишга ҳеч кимнинг журъати етмасди. Рўмолча деганимиз асли бобонинг беллидаги ранги унчиқ кетган қийичка эди. Шериклари «гапир» дегандай турткилаб-турткилаб

қўйишарди. Бирок у гапиролмасди. Хуруж қилиб келаётган қандайдир алам, дард уни гапиртиришга қўямасди. Ушанда биз «Гапирмас, нукул йилгас нега мактабга келаркан-а» дея ўйлаганмиш. Немислар ўн етти нафар одамнинг отганини отиб, отмаганини тириклайин чўқурга қўйиб юборган экан. Нурбой бобо беш кун ўликлар ичиде ётиб, олтинчи кунни тупроқни қавлаб ташқарига чиққан экан. Тўрт йил жангу жадалда юрган бобонинг кўкракларини, қўл ва оёқлари чандигу тиртиқлардан хунук бир кўриниш олганди. Боввутлик Юсуф бобо

# мангу ёниб турар қадр шуъласи



## Эл эътибору — ҳикмат

**Баъзи одамларни тез-тез кўрғинг, суҳбатини эшитгинг келади. Кўнглингдаги қандайдир истак уларга томон тортади. Беихтиёр улар ҳузурга борганингни билмай қоласан. Рўзи Чориев ана шундай гаройиб инсон эди.**

У одамларни оҳанграбо мисол ўзига жалб қиларди. Ҳаётлик чоғида рассомларнинг устахонаси жойлашган уйга, унинг кафтдеккина боғига турли тоифа одамлар тўхтовсиз келаверишарди. Шоирлар, ёзувчилар, актёрлар, режиссёрлар, спортчилар, ҳарбийлар, чўпонлар, деҳқонлар, талабалар, ёшлар, қариялар узлуксиз шу манзилга охиқширарди. Нар-бери кўнглирилган қўлбола ўриндиқлар ўрнатилган боғда, рассомнинг асарлари бетартиб уюлиб ётган устахонада тун ярмидан оққанида ҳам чироқлар ўчмасди. Дилкаш суҳбат, кизгин мунозаралар давом этаверишарди. Ғамгин, маънос бўлиб келганлар кетишадиганида қувнок, хурсанд қиёфага киришарди. Рўзи аканинг ишлаганини кузатишарди, асарларини томоша қилишарди, баритон овозда айтган арияларини тинглашарди, суҳбатдан баҳраманд бўлишарди. Сочлари ўсиб, соқоллари кўксини тўлдирган бу рассомни кўча-кўйда кўрганлар ҳам беихтиёр мамнун бўлиб кетишарди. Унинг ёнига боргиси, танишгиси, суҳбатлашгиси келиб қоларди...

Нега шундай эди? Нега одамлар бошқа рассомларни эмас, кўпроқ Рўзи Чорини кўргани келишарди? Нима учун бу болафелъ рассом эътиборли одамлардан бири эди? Нега уни яхши кўришарди? Бу саволларга ҳамма албатта "Рўзи ака одамларни яхши кўрарди" деб жавоб беради. Ҳақиқатан, бу рассомнинг юз-кўзидан, гап-сўзидан одамларга аллақандай нур-мехр ёғилиб турарди. У ҳеч қачон қош-қовоғини солиб, ҳўмайиб дунёдан норози бўлиб ёки ҳаммага ошириб қўйгандай ғўдайиб юрмасди.

Аммо... Рўзи ака етимхонада ўсган эди. Ота-она меҳрини кўрмаганини айтиб эзилиб йиғларди. Етимликти тортган азобларини айтиб адо қилолмасди. Кўзларидан милт-милт ёш оқиб кетаверишарди... У машҳур рассомга айланганидан кейин ҳам, бошқалар хаёл қилганидек, яйраб-яшнаган эмас. Лекин ҳеч қачон ноллимасди. Ўзини ҳам-

ша бахтиёр кўрсатарди. "Ҳаёт қанчалар гўзал!" дея қўлоқларини кенг ёзиб, оламни кучиб олмоқчи бўларди. Завқ билан "Одамлар, ман сизларни яхши кўраман!" дерди. "Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлдим. Рассомлари билан танишдим. Аммо ҳеч бир жойда Рўзи ака сингари одамни кўрмадим. У бениҳоя бағри кенг инсон эди. Рассом сифатида бекиёс истеъдод эгаси эди. Дунё топиш ҳақида ҳеч қачон ўйла-масди. Қўлига пул тушган куни ён-веридиғиларга, ижодкорларга, шоғирларига тарқатиб чиқарди. Шундан роса хурсанд бўларди. У ижод қилишдан, одамларга яхшилик қилишдан кечки завқ оларди", — дейди машҳур рассомлардан бири.

Бу улғу рассом етимхонада катта бўлган турли миллат одамларини "биродарим", "укам" дерди. Одамларни касбу кори, молу давлати, миллати динига қараб ажратмагани учун ҳам устахонаси, боғи гавжум бўларди. Кўча-кўйда юрганида атрофидан одам ари-масди. Уни ардоқлашарди, иҳлос билан илтифот кўрсатишарди. Одамлар ички бир туйғу билан Рўзи ака ўзлари болаларча бегараз муҳаббат билан севишини билишарди. Бу даражада эл эътиборини қозониш ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб қилавермайди. Бағри кенг бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Рўзи акадай истеъдодли ижодкор, одамшаванда бағри кенг инсонни Оллоҳ элга ибрат учун яратгандай. Эл ўзининг ана шундай ўғлонларини қанчалик ардоқласа, у шунчалик улғаяди. Чунки одамларни, бутун борлиқни чин дилдан севган, умр бўйи кишиларга меҳр кўрсатган сиймолар руҳини улғулаш шу юрт халқига маънавий-руҳий қувват беради. У чин дилдан элни эъзозлагани, севгани учун ҳам эл уни ардоқларди. Элнинг эътиборида эса доимо бир ҳикмат бўлади.

Абдулла УЛУҒОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент.

Ўтган асрнинг 20-йилларидаги атоқли шоир, драматург, йирик театр намоёнаси ва ташкилотчиси, таниқли маърифатпарварлардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шамсиддин Шарофиддин қори ўғли — Хуршид эди.

Шамсиддин билимдон-зиёли, адабиёт ва санъатни жондан севувчи инсон бўлган, Бухородаги мадрасада тахсил кўрган Шарофиддин қори оиласида таваллуд топиб, зиёкорлар даврасида ўсди. Ўзи ҳам ғазаллар ёзиб юргувчи отаси шоирлардан Муқимий, Фурқат, Нодим, Хислат, Мискинлар-у, халқ ичра доврқ таратган Мулла Тўйчи Хофизлар билан суҳбатларда, гап-гаштакларда бўлган. Онаси — Хонпошша отин ҳам анча ўқимишли оиладан бўлиб, ижодиётга майли, қувваи илми чуқургина аёллардан эди. Ана шундай оила фарзанди 13-14 ёшларидан «Хоиб», «Шукрий», «Шоҳидий» тахаллуслари билан назмлар бита бошлади.

Дунёга доврқ солган ажайиб кўшиқбордор Тамира хоним 1925 йилда Парижга, машҳур санъаткор Айсидора Дунканга йўллаган хатида ёзади: «Парижликлар кўшиқни нақадар севишларининг гувоҳи бўлдим. Ўзбеклар ҳам кўшиқни жону-дилдан севадилар. Бир грамм-пластинка 400 сўмгача чиққанини (бу эса бизда, 4-5 қўйнинг пули) ҳеч қаерда кўрганмисан? Машҳур халқ хофиси ижросидаги шоир Хуршид ғазали билан айтадиган «Сегоҳ» ашуласи пла-стинкаси шу кунларда Тошкент бозорида мана шундай нархда сотилга-


нини кўриб ҳам ҳайратда қолдим, ҳам жуда завқландим. Эски шаҳарда оппоқ соқолли қария елкасига патефонни қўйиб олиб, ушбу ашула ёзилган пластинкани айлантириб, мириқиб эшитиб келатганини ҳам кўрдим. Ана, кўшиққа, ижодкорга халқнинг ҳурматию, муҳаббати, эъзозини...»

Хуршид ўсмирлик чоғлариданоқ ҳазрат Навоий

бек Қурбонов сахналаш-тирган эди.

Бироқ қизил империявий сийасат ва манфур мафкура Хуршидни адолатсизликка дучор этди. 1924 йилнинг 25 февралдаги 238-кўрсатма билан «Турк Главлит» «Фарҳод ва Ширин» пьесасини кўрсатишни маън этди ва ҳатто тўхтаб қўйди. Лекин адиб буюк Навоий дostonларини сахнага

тириб, бойитишда катта ғайрат кўрсатди. У XX асрнинг 10-20 йилларида қатор театр, ёзги сахна биноларини («Шарқ сахнаси», «Роҳат боғча», «Дегрезликда»ги сахна, «Турон» томошалар зали



## «Толенинг уйфонгуси...»

дostonларини мароқ билан тинглаб, отаси «Мажнуннинг Маккага сафари» ҳақида кўзда ёш билан ҳикоя қилиб беради. Мана шулар боис ҳам у XX асрнинг 10-йиллари сўнгига ушбу беназир дostonларни чуқур ва атрофлиқа ўрганиб, ўзининг машҳур «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» мусиқали сахна асарларини яратишга киришди. «Фарҳод ва Ширин»нинг биринчи пардаси 1919 йил сўнгига Тошкентнинг Эски шаҳаридаги «Койихон кули» томошагоҳи сахнасида кўрсатилди. Спектакль тўлалигича 20-йиллар бошида пойтахтдаги «Коллеж», театри биносида катта муваффақият билан томошабинларга тақдим этилди. Ушбу қалдирғоч мусиқали драмалардан бўлган спектаклнинг мусиқавий беэгани драма-тургининг ўзи амалга оширган бўлиб, пьесани режиссёрларини шакллан-

олиб чиқишдек ишини давом эттираверди. «Лайли ва Мажнун» мусиқий драматини яратиб бошлади.

Хуршиднинг драматургия ва театр санъатидаги хизмати бекиёс. Унинг «Чолгули манзума» (мусиқий драма) ва «Чолгули хангома» (мусиқий комедия)лари, «Бечора волида ёхуд савдогар хотуни», «Ориф ила Маъруф», «Қора хотун», «Қайси бири яхши?», «Заволи Ватан ёхуд Туркистон» каби пьесалари фикримиз далилидир.

Хуршид илк ва ўткир таржимонлардан ҳисобланган. Бошқа халқлар драматургларининг 20 дан ортқ пьесаларини ўзбек тилига таржима қилиб (Шиллер, Марк Твен, Жоржи Зайдон, Хусайн Жовид, Мамад Кулизода, Галиаскар Камол, Абдулҳак Ҳомид, Узайр, Ҳожибеков ва бошқалар), театрларимиз репертуарларини шакллан-

ва х.к.) бунёд этишда ҳам фаол қатнашди.

У дастлабки ўзбек журналистларидан, таниқли публицистларидан ҳам эди. Унинг мақола, тақрирлари, ҳажвий асарлари, шеърлари «Ал-Минбор», «Ойна», «Таржимон», «Садои Фаргона», «Мулла Насриддин», «Иштирокиюн», «Муштур» каби газета ва журналларда босилиб турди. Адабиёт ва санъатимиз, маорифимиз ва умуман маънавий маданиятимиз, кўшиқчилик, театр эстетикаси, мусиқий нафосатимизнинг ривожланиб, равнақ топишида Хуршид иқтидори, кўп қиррали ижодиёти алоҳида қимматлидир. Бироқ шахсга сизиниш даврининг қора қўланкалари уни ҳам четлаб ўтмади. Ноҳақ хуружлар, асосиз айбловлар, асарларини камситиш, ижродан тўхтаб қўйиш ҳаракатлари 40-йиллар бошида авжига чиқди. Хуршиднинг адолат ис-

таб ёзган муурожаати, раддиялари тортмаларда қолиб кетаверди.

XX асрнинг 40-йиллари Тошкентда бўлиб ўтган ёзувчилар анжуманида унинг пок шаънига «қора тамга» урилди ва драматург Навоий дostonи бўйича ёзилган «Фарҳод ва Ширин» операси либреттосини буржуа миллатчилик идеологияси асосида яратилганлиқда айбланди. Ёзувчилар уюшмаси ва театр даргоҳидан бадарға этилди. Шундан кейин у... ноҳақ таъовуларга ортқ дош беролмай, армон ва ўқсуқлида оламдан ўтиб кетди...

Хизматлари буюк бўлган ушбу атоқли ижодкор суоқли она Ватани ҳақиқий мустақилликка юз тутушига ишонарди, тарихнинг ҳақиқат ойнаси мусоффо тортишига умидлар боғлаб, мисралар битганди:

**Толенинг уйфонгуси**  
Хуршид, анга йўқдур гумон  
Ким қаро тун сўнгига тонг отди,  
чикди офтоб...

Хуршид умид боғлаб, орзу қилган вақтлар келди, республикамиз ҳақиқий мустақилликка эришди. Адолат қайтадан тикланди, машҳур ижодкор намоёндаларимизнинг қадри, яратиб кетган асарлари муносиб баҳоланди ва баҳоланмоқда. Хусусан Хуршиднинг мўтабар номи пойтахт кўча ва маҳалларидан бирига, мактабга берилди. Хотираси эъзозланиб, орзулари амалга ошмоқда...

Бахриддин НАСРИДДИНОВ,  
санъатшунос олим,  
Раҳима ШАРОФИДИНОВА,  
адабиётшунос.

## Муҳаммад Юсуф шеърлари

### қорақалпоқ тилида

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг шеърлар тўплами "Биз бахтли бўламиз" номи билан қорақалпоқ тилида нашрдан чиқди.

"Қорақалпоғистон" нашриёти томонидан шеърят иҳлосмандларига ҳавола этилган ушбу китоб шоир таваллудининг 50 йиллигига муносиб тўхфадир. Оташнафас шоир шеърларини Бозорбой Сайтаев қорақалпоқ тилига моҳирона ўғирган бўлиб, у қорақалпоқ китобхонини ҳам мафтун этиши шубҳасиз. Ушбу асарни чоп этишга Отажон Худойшукуров номидаги халқаро жамғарма ҳомилийк қилди.

Янгибой ҚҮЧҚОРОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

# ЧИҚМАГАН ПАЛЛАЛАР

менинг ҳолимдан хабар олинганлар...» қабиллидаги гапларни айтмаган. Унинг олдида ўтиргим келаверилади. Биз қай бир ҳамқишлоғимизнинг сигирлари зотлию қўйлари қўшалок қўзилаши ҳақида, ўзимизга таниш одамларнинг фелъ-атворларини галати қилиқлари тўғрисида гурунғ қиламиз. У гоҳ-гоҳо мени ёш бола фаҳмлаб ўзича имтиҳон ҳам қилиб кўради.

У мана бундай юради. Ассийб оғирлиқни чап оёғига ташлаб, ҳар уч-тўрт кадамда бир нафас ростлайди. Дарвозага етгач пешонасини, юз-кўзларини ёзда ҳам эгнидан тушмайдиган костюмининг энги билан артиб-артиб қўяди.

Ажаб, негадир бу чолларнинг бари бир-бирига ўхшайди. Юриш-турушлари, уйларининг орқасидаги ўриндиқда соатлаб ўтиришлари, қишлоқдаги лозимандаларга эшак миниб боришлари худди икки томи суғга ўшаб кетади.

Улар 64 нафар эди.

Мана энди, 3 кишигина орамазда яшашпти. Жийда гулларининг атри шаб-бодалар билан қўшилиб димоқ қитиқлаётган бир паллада кўнглимда «Янаги йил ана шу 3 та чолнинг барчаси омон бўлармикин? Биз ана уларни қайта кўраимизмикин?» деган ўйлар кезинарди. Автобус ҳайдовчилари уларнинг сарғайиб кетган фахрийлик дафтарчаларини кўрганда гудранмасмикин? Қишлоқ фуқаролик йиғинининг қонуншунос котиблари бир пайтлар улар яшаган уйларининг тепасига қоқиб қўйилган лавҳаларга ўқрайиб қарамасмикин?

...Ўтган йили бизнинг қишлоқдаги мактабда байрам арафасидаги учрашувга биронта ҳам қария келмади. Чунки уларнинг ҳеч бири эндиликда тик оёқда туриб болаларга уруш ҳақида гапириб беролмасди.

Менинг кўз ўнгимдан Нурбой бобонинг йиғлагани сира-сира кетмади. Нега унинг юраги бунчалик эзилди экан? Нима-

ни у ёдга олди экан? Сафдошларинини? Олис шимол ўлкаларида совуқда тўнғиб қолганларинини? Эҳтимол, ўз қўлида жон берган дўстининг энг сўнгги гапларини ёдга олиб кўнгли бузилгандир? Биз энди уларнинг биронтасини билолмаймиз...

Шу сатрларни қоғозга тушираётганимда кўзим косадаги қаймоққа нон ботириб ояётган Урол Ўзбекка тушди. Неварам ҳеч нарсани ўйламас эди. Унинг бутун хаёли косадаги қаймоқда эди. Унга нима, ҳозир қорни тўйғач ўрнидан туради-да, ё кучукчанинг, ё гулзордаги капалақнинг ортидан чопқиллаб кетади. У Жўлибой, Рустам, Ғойибназар, Хотам, Эгамберди, Шариф, Нурбой исми одамларни умуман билмайди. Уларнинг қачонлардир аскар бўлганлигини, олис жанггоҳларда жон олиб, жон берганлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Унга қаймоғу ўйин бўлса бас! Онаси ҳатто юзини ювиб қўяман, деса ҳам бонинг тўрига қараб қонади.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

D-AMPS GSM  
**UZDUNROBITA**  
первая сотовая

# 9 МАЙ

## ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

### АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

**Хотира ва Қадрлаш кунида**  
**Ватанимизнинг озодлиги йўлида мардлик ва жасорат**  
**кўрсатган фахрийларга чуқур миннатдорчилик**  
**билдирамиз ва уларга саломатлик, бахт ва шодлик**  
**тилаймиз. Уйингизда доимо тинчлик, фаровонлик**  
**нури чарогон бўлиб турсин!**

"Уздунробита" корхонаси жамоаси

Хизматлар лицензиялаштирилган

**Не бахти, диёримиз авлиёлар ватани. Ҳақим Термий, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Қубро, Баҳовуддин Нақибанд, Хўжа Аҳрор Вали... Санайверсак, юртимиз шарафини оламга кўз-кўз этган муҳтарам зотлар силсиласи адо бўлмайди. Камина ўтган бир-икки йил ичида ана шундай соҳиб қароматларнинг салафлари-издошлари яшаган макон, тарихий муҳит билан қизиқиб республикамизнинг кўп туманларини кезиб чиқдим. Дикқатингизга ҳавола этилаётган бидиалар ўша саёҳатлар ҳосиласидир.**

Султон ул-орифин Аҳмад Яссавий ҳазратларнинг минглаб муридлари бор эди. Шуллардан бири Бобо Мочин. Бу муриднинг кечмиш ҳаёти ақларни мафтун этувчи гаройиб қиссага мавзу бўлиши мумкин.

Бобо Мочин асли хурсонлик эди. Ўз юртида сўфийлик халқасига кирган порсо қимсалардан саналарди. Аммо табиадан жўшқинроқ эди, бирон масаланинг тағига етмай лов этиб ёниб кетарди.

фарёд солиб йиғлади. Ҳақим Сулаймон ажабланиб пири муридига боқди.

— Анинг елкасига қўнган дев беш юз зарбни ўзига олди, — деди пир, — беш юз биринчи қамчи бул осийнинг баданига теги. Энди ечинг, шаҳид бўлмасин.

Бобо Мочини судраб бир хужрага элтдилар. Мулозим унинг олдида бир кўзада сув, икки нон ва

**Туркий эл азизлари**

гон амалларингизга эмас, аввало ниятингизга қарайди. Бул оташнинг нияти бузук эмас, ул момиққа тажовуз қилмоқчи истамайди. Шул сабабдан оқ момиқнинг бир толаси ҳам куймаган. Самов мажлисларига келсак, эркак ҳам, аёл ҳам Одам ота бирла Момо Ҳавонинг фарзандларидур. Аларнинг кўксидо олло таоло зикри тугён қилиб турса, фахшга ўрин қолмас.

Бобо Мочин шул замон халифалар кўз ўнгида иймон келтириб, Шайхул кабирга мурид бўлди ва Туркистон элида мўқим яшаб қолди.

Шайх бобо Мочинни хос мулозимлари қаторига қўшди. Пири муридид сафарга чиқса, у жиловдорлик қилар, бирон девонаваш

фотиҳа берган ва Шош музофотининг Фарқент мавзёига ўзининг ноиб этиб жўнатган. Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг қўламда тадқиқотлар олиб борган атоқли турк олими Камол Эраслан «Бобо Мочин Тошкан атрофидаги Фарқат қасабасига дафн этилган» дейди.

Ниҳоят, паргентлик қаламқаш дўстим Турғун Собитов билан зияратга отландик. Паргентга келиб уч-тўрт кишидан Бобо Мочиннинг қабрини сўрадик. Хеч ким билмади.

— Энди мачитга борамиз, — деди Турғунбой, — у ердагилар билиши керак.

Жоме масжиди сойнинг у тарафида экан. Турғун дарвоза олдида жайдаран кўк салла ўраган ўрта яшар бир кишидан авлиённинг турбатини сўрашди. Кўк саллак киши масжид ортини кўрсатиб нимагиндир узоқ тушунтирди. Турғунбой қайтиб келди:

— Ҳўв тепалиқда дейди қабрини, бирок йўл йўқ эмиш.

Таваккал қилиб кетдик. Масжидни айланиб, тиканларга таланиб, ўнгирлардан сакраб... кичкина бир хўжра ўнгида тўхтадик. Униқиб кетган эшик қия очик, Номига сым билан боғлаб қўйилган. Ичкари кирдик. Лойсувоқ қабр. Йўлакка икки қулоч келадиган бўйра ташланган. Хўжра бесаришта, анчадан буён бу ерга инсон боласи қадам босмаганлиги кўриниб турибди.

Бу муқаррам зотнинг ҳақиқига дуо қилиб кўзагадик. Тагин ўйдим-чуқур, чакалакзор оралаб изимизга қайтидик. Аслида жоме масжиди билан қабржой олис эмас, беш дақиқалик йўл. Шу йўлни текислаб, зийратчиларга қўлайлик яратиш учун от билан туя керак эмас. Озгина ҳафсала, жиндий гурур ва андак меҳнат лозим, холос. Бу савоб ишни ҳашар-хўшар билан битирса ҳам бўлади. Ахир Бобо Мочин ҳам юртимизнинг азиз фарзандларидан. У умрини одамлар кўксига яхшилик нуруни элтишга сарфлади. Бас, бир табарруқ инсоннинг руҳи покни шод этишлик оддийгина ватандошлик қарзимиз эмасми?

Съдулло СИЁВ.

**БОБО МОЧИН**

бир қути қўйди. Бобо Мочин сувдан хўплади, қутига қизиқсиниб қаради. Дори-дармоникан, деган умидда юраги дуқиллаб қутининг копоқини кўтарди. Қути ичида ёнғоқдек чўғ ва бир тутам оппоқ пахта бор эди. Чўғ бозиллаб турар, лекин пахтага зигирча зарари тегмасди. Бобо Мочин ишоратга тушунмади. Кўзани бошига кўтариб сув симирди ва кўзларини юмди.

Сирни пири комилнинг ўзлари очди. Пешин чоғи Бобо Мочинни хузурига чақиртирди. Ҳақим Сулаймон қутини келтирди.

— Очинг! — деди Ҳазрат Бобо Мочинга қараб. Бобо Мочин тайсаллаб ёғоч қутини очди. Кўрдик, ҳамон бош бармоқдай чўғ оқ пахтанинг ёнида бозиллаб турар, илло пахтанинг бир туки ҳам куймаган эди.

— Не қаромат кўрдилар? — қовоқ солиб сўради пир. Бобо Мочин иргиб турди, сўнг тиз чўқди ва эмақлаб бориб шайхул-машойихнинг этагини кўзларига суртди.

— Осийлик қилдим, авф этинг, пири.

Султон ул-орифин мухтасар изох берди:

— Олло таоло ва таборак қил-

хуруж қилса, хушига келтириш ҳам Бобо Мочиннинг зиммасида эди.

Бобо Мочин ёлоқ эди. У кунига беш-ўн ёғоч (бир ёғоч тахминан 6-8 километр) йўл юрмаса, гайрати танасига сигмай терлаб кетар, ўзини кўярга жой тополмай қийналарди. Бундай шахслар тарихда онда-сонда учраб туради. Масалан, Абдуҳолик Ғиждувонийнинг халифаси Ориф Регварий ҳам Бобо Мочиндек илдам сўфилардан эди. У Бухородан Ғиждувонга кунига неча марта пойи-пиёда келарди.

Хуллас, Бобо Мочин учқур бўлгани учун чопарлик вазифасини ҳам бажарарди. У Туркистоннинг олис пучмоқларига ёзилажак мактублар, фатво ва йўриқномаларни бир зумда элтиб, масжиду мадрасалар, диний қавмлар ўртасидаги робитани юргизиб турган.

Сўфийлик тариқати шартларига кўра, солиқ ҳол илмида (яъни тасаввуфда) камолга етган, пири мурид қўлидан хирқа кийди, иршод олади ва шундан кейин шайхлик мартабасига эришарди. Чамаси, Бобо Мочин ҳам шайх даргоҳида кўп йиллик хизматлардан сўнг халифа макомига эришган бўлса керакки, Султон ул-орифин унга оқ

**«Ниҳол» истеъдоғларни чорлагу**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети маданият саройида республика олий ўқув юрталари талабалари театр-студияларининг «Ниҳол — 2004» театр санъати фестивали ўтказилмоқда.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган ушбу фестиваль Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати марказий кенгаши, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш биросмаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбе-

**Фестиваль**

кстон Миллий университети ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Театр санъати фестивалида республикамизнинг 26 та олий ўқув юрталари ва Қирғизистон Республикасининг

Ўш Давлат университети ижодий жамоалари иштирок этишмоқда. Олий ўқув юрталари театр жамоалари тайёрлаб келган сахна кўри-нишларига Ватанга муҳаббат, она, аёл муқаддаслиги, оилага меҳр, ёш авлод тарбияси аъёнларимизга, урф одатларимизга, маданиятимизга эҳтиром ва бошқа маънавий қадриятларимиз тараннум этилмоқда.

Сурайё САТТОВА.

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР**  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-63  
242-хона

**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари**

**Ўта муҳим масалалар учун ўта унумдор серверлар керак:**

**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари.**

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.**

Корпоратив сотувлар: «Middle East Computers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.  
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонев к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk.rest@tstech.uz.  
Дистрибутёрлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-66-47, 127-59-57; «Техсервис», Тормиз ш., тел.: (37622) 7-45-54; «Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.  
http://www.tstech.uz

Intel, Intel Inside логотипи, Intel Inside, Intel Centrino, Celeron, Intel Xeon, Intel SpeedStep, Itanium, Pentium ва Pentium III Xeon логотипи Intel корпорацияси ва бўлиmlарининг АҚШ ва бошқа давлатларда товар белгилари ёки рўйхатдан ўтган товар белгиларидир.

**Katris ФИРМАСИ**

**МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ТАЙЁРЛАЙДИ.**

*Мебель олсан «Katris»дан, розан қилсан билдан.*

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

**«Бухоро ёғ» ОАЖ** *акциядорлари диққатига!*

Жамият қузатув кенгашининг 2004 йил 29 апрелдаги 20-баёнига асосан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2004 йил 1 июнь соат 17.00 да завод қошидаги клубда ўтказилади. Акциядорларни рўйхатга олиш — соат 14.00 дан бошланади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. «Бухоро ёғ» ОАЖнинг 2003 йил молия-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. 2004 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
3. Тафтиш ҳайъатининг 2003 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият бошқаруви раисини сайлаш.
5. 2003 йил 29 августда навбатдан ташқари ўтказилган акциядорлар умумий йиғилишининг мулк гарови тўғрисидаги қарорини бекор қилиш.
6. 2004 йил учун жамият қузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш миқдорини тасдиқлаш.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати (реестри) 2004 йил 5 май ҳолатига кўра тузилади. Акциядорларда паспорт ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиши керак. Манзил: Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 6-уй.

**Кузатув кенгаши.**

**«Бухоро ёғ» ОАЖ бухгалтерия баланси** (минг сўм)

Кўрсаткич номи	Сатр коди	01.01.2003 й.	01.01.2004 й.
<b>Актив</b>			
Асосий воситалар	012	380899	445132
Бошқа активлар		102191	280614
Жами узоқ муддатли активлар	110	483090	725746
Пул маблағлари	170+180	21934	135542
Жами дебитор қарздорликлар	220	407524	306761
Бошқа жорий активлар		641046	863639
Жами жорий активлар	310	1070504	1305942
Жами баланс активи бўйича	320	1553594	2031688
<b>Пассив</b>			
Устав капитали	330	70686	50514
Кўшилган капитал	340	109771	117582
Резерв капитали	350	7500	10680
Тақсимланмаган фойда	360	312090	412239
Бошқа манбалар		7214	174177
Жами ўз маблағлари	400	507261	765192
Олинган аванслар	450	307349	546562
Жами кредиторлар	460	738984	719934
Жами мажбуриятлар	550	1046333	1266496
Жами балансинг пассиви бўйича	560	1553594	2031688

**Корхона ўзи тайёрлаган ҳар хил турдаги МЕБЕЛЛАРНИ арзон нархларда таклиф этади.**

*Тулов шакли турлича.*

Манзиллар: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Жомий майдони, «Алимхон савдо уйи» ёки Яққасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 42-уй. Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-26-55.

«Ўзкимёсанот» давлат-акциядорлик компанияси жамоаси «Электримёсанот» очик акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси Фарҳод Салаватовга отаси **Раҳмат САЛАВАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекэнерго» ДАК жамоаси «Хоразм электр тармоқлари» ОАЖ директори Маҳмуджон Турдиевга отаси **Кўзи ТУРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бошдигининг ўринбосари, полковник Абдумалик Сағатовга волидан муҳтарамаси **Басира ая АКРАМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буортма 1—4-бў. 28784 нусхага босилди, дҳими — 2 тибко. Обфет усулида босилган.  
Қоғоз битини А—2  
Газета ИВМ компьютеризда тарқалди ва операторлар Жамид Тоғоев ва Баҳодир Файтев томонидан саҳифаланди.  
Таҳриргалда дҳими 5 қоғоздан эида материаллар қабул қилинмайди.  
П—Тижорат материал

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Сапаев.  
Навбатчи — С. Ҳайдаров.  
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топириш вақти — 21.00. Топирилади — 21.50 1 2 3 4 5